

Жума хутбаси учун баландроқ жой танлаш



05:00 / 11 октябрь 1724

يَلِإِبْطَخِ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ لَيْلِ صَبِيَّ بِنِ لَانَاكَ : لِقَا قُؤْنَعُ هَلَلِ يَضَرِّ سَنَنْ رِبَاجِ نَع
يِيْذِمَّرْتِ لَاهَاوَر . نَكَسَفُ هَمَزْتَلِ افُ هَاتَا يَّتَحُ غُذْجِ لَانَح رَبَّنْمَلَا دَخَّتَا مَلَفِ يَغْذِج
يِيْرَاخُ بَلَاو

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хурмо дарахти тўнкасида хутба қилар эдилар. У зот минбар тутганларида тўнка йиғлади. У зот келиб, уни тутганларида у йиғидан тўхтади».

Термизий ва Бухорий ривоят қилишган.

نَاكَفِ يَلْحَنَّ نَمِعِ وُذِجِ يَلَعِ افُ وُقُوسَمُ دِجَسَمَلَانَاكَ : لِقَا قُؤْنَعُ هَلَلِ يَضَرِّ سَنَنْ رِبَاجِ نَع
رَبَّنْمَلَا عُنُصِ امَلَفِ ، اَهْنَمِ غُذِجِ يَلِإِبْطَخِ اِذِ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ لَيْلِ صَبِيَّ بِنِ لَانَاكَ
يَلِإِبْطَخِ مَلَسَوِ هَيْلَعُ هَلَلِ لَيْلِ صَبِيَّ بِنِ لَانَاكَ : لِقَا قُؤْنَعُ هَلَلِ يَضَرِّ سَنَنْ رِبَاجِ نَع
يِيْذِمَّرْتِ لَاهَاوَر . نَكَسَفُ هَمَزْتَلِ افُ هَاتَا يَّتَحُ غُذْجِ لَانَح رَبَّنْمَلَا دَخَّتَا مَلَفِ يَغْذِج
يِيْرَاخُ بَلَاو

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Масжиднинг шифти хурмонинг устунлари устига ёпилган эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилганларида ўшалардан бирининг ёнида турар эдилар. У зотга минбар ясаб берилгач, унинг устида эканларида ўша устундан ўн ойлик ҳомиладор туянинг овози

каби овоз эшитдик. Ниҳоят, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам келиб, қўлларини унинг устига қўйган эдилар, у тинчланди».

Бошқа бир ривоятда:

«Жума куни у зот минбарга кўтарилганларида хурмо гўдакдек бўзлаб юборди», – дейилган.

Бухорий ва Насоий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Хурмо урғочи туя зорлангандек зорланди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тушиб, уни ушлаган эдилар, тинди», – дейилган».

«Жума ҳақидаги оят ва ҳадислар» китобидан